



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Ош шаҳри суд раиси
К.Камиллов
21 май 2018 йил

**“E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимларини Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими билан интеграция қилиш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

I. Кириш

Ривожланиш йўлидан жадал суръатлар билан бораётган ва таракқий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган республикамизда бошқа соҳалар қаторида судлов тизими ҳам самарали ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, суд тизимининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, суд органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, судларда иш юритиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, судьялар ва суд ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ҳамда ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини такомиллаштириш, суд тизимида ахборот хавфсизлиги ҳамда ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Айни пайтда, суд тизимида замонавий ахборот-коммуникациялар инфратузилмасини яратиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда суд органлари веб-сайтлари орқали фуқароларга интерфаол хизматларни кўрсатиш республикамизда суд органларида амалга оширилаётган инновацияларнинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этишнинг асосий вазифаларидан бири судлар фаолиятининг очиклигини, шаффофлигини ва тезкорлигини таъминлаш, судларда иш юритиш сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 августда қабул қилинган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3250-сонли қарорни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Мазкур қарорнинг 5-бандига асосан, бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали суд ҳужжатларини ижрога электрон кўринишда юбориш имкониятини яратиш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, ахборот тизимлари комплекси ва марказий маълумотлар базаси билан интеграция қилишнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Қонуни (29 август 2001 йил 258-II-сон);

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” Қонуни (11 декабрь 2003 йил 560-II-сон);

3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” Қонуни (11 декабрь 2003 йил 562-II-сон);

4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонуни (29 декабрь 2004 йил 611-II-сон);

5. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (25 январь 2018 йил, 02/18/ИПК/0623-сон);

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори (2017 йил 30 август ПҚ-3250-сон);

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида” Қарори (2018 йил 13 март ПҚ-3597-сон).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»

2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги 346-сон Қарори ижросини таъминлаш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини, хусусан, электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, соҳага оид ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш, суд соҳасида интерфаол хизматларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТ ТД томонидан «E-SUD» Миллий электрон судлов ахборот тизими яратилган.

“E-SUD” ахборот тизимининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- суд тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- суд соҳасида фуқаролар ва юридик шахслар вакилларига интерфаол хизматларни тақдим этиш;
- одил судловни жорий этиш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Бугунги кунда «E-SUD» ахборот тизимига фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, барча туманлар, туман (шаҳар) судлари уланган.

“E-SUD” ахборот тизими Давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари реестрида 01002-сонли (23 февраль 2017 йил) рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган.

“E-SUD” Миллий электрон судлов ахборот тизимининг асосий вазифаси:

- а) судларга аризалар ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;
- б) процессуал ҳужжатларни автоматик равишда яратиш;

в) чақирув қоғозлари ва хабарномаларни тақдим этишнинг ахборот коммуникация технологияларининг замонавий усул ва услубларидан фойдаланишга асосланган янги механизмларини жорий этиш;

г) судьялар ва суд ходимлари томонидан техник ишларни бажариш, хусусан суд фаолиятига оид турли статистик ҳисоботларни автоматлаштириш орқали иш вақтини қисқартириш орқали судлар фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

“E-SUD” ахборот тизимини жорий этиш билан боғлиқ кўзда тутилган натижалар қуйидагилардан иборат:

- қоғозсиз ва автоматлаштирилган иш процессларига босқичма-босқич ўтиш орқали судловнинг тезкорлигини таъминлаш;

- электрон маълумот алмашув воситалари орқали жисмоний шахслар билан ўзаро алоқадорлик ва улар билан ишлаш самарадорлигини ошириш;

- суд ишини кўриш доирасида жисмоний шахсларни хабардор қилиш механизмини такомиллаштириш;

- суд ишини кўриш доирасида жисмоний шахсларни хабардор қилиш механизмини такомиллаштириш.

Шу билан бирга, мазкур ахборот тизими орқали судларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон шаклда юборилган даъво ариза (ариза)лар, илтимосномалар ва бошқа турдаги ҳужжатларни қабул қилиш, уларни қайта ишлаш ва суд иши иштирокчиларига турли хатлар, чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш, суд фаолиятига доир турли ҳисоботлар ва маълумотларни автоматик равишда шакллантириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, ушбу тизим судларга суд фаолиятига доир маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш имконини беради.

Ўз навбатида, фуқаролар шахсан судга бормасдан ахборот тизими орқали судларга электрон шаклда мурожаат қилишлари, суд иши ҳолатини кузатиб боришлари ва суддан турли ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда олишлари мумкин.

Бугунги кунда “E-SUD” ахборот тизими қуйидаги имкониятларга эга:

- веб-сайт орқали фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаатларни (аризалар, даъво аризалар, шикоятлар, илтимосномалар ва бошқа турдаги ҳужжатлар) электрон шаклда юбориш;

- суд иши иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга маълумотларни электрон шаклда алмашиш воситалари орқали (фойдаланувчининг кабинети, электрон почтаси) суд қарорлари ва бошқа турдаги ҳужжатларни юбориш;

- интернет орқали (фойдаланувчининг кабинети орқали) судга юборилган даъво аризаси, илтимоснома ва уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳолатини кузатиб бориш;

- судлар фаолиятига кўриб чиқиладиган суд ишининг электрон шаклини (электрон досье) яратиш, судлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида турли ҳужжатлар ва маълумотларни алмашиш, суд ишларини архивлаштириш имконини берувчи электрон ҳужжат алмашувини (электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда) жорий этиш;

- судья имзосини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон суд ҳужжатларини тузиш;

- суд ҳужжатининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун QR-коддан фойдаланиш;

- суд қарорларини суд қарорлари банкида (депозитарийда) сақлашни автоматлаштириш ва марказлаштиришни таъминлаш ва улардан интернет орқали фойдаланиш имконини яратиш (v3.esud.uz/reestr);

- судлар фаолиятига оид маълумотларни марказлашган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашни автоматлаштириш;

- “Судлар фаолияти мониторинги панели” (<http://v3.esud.uz/kpi>) модули орқали судларнинг статистик ҳисоботлари ҳамда судларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш ва судлов ҳолати тўғрисида маълумот - “Кўрсаткичлар” модули;

- судьялар ўртасида суд ишларини автоматик тақсимлаш;

- фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат этишда тўланадиган давлат божини ҳисоблаш “Давлат божи калькулятори” (<http://v3.esud.uz/calc/>);

- апелляция ва кассация инстанцияси судларида фуқаролик ишларини кўриш;

- “Суд мажлиси жадвали” хизмати (<http://v3.esud.uz/calendar>).

Ахборот тизимининг асосий афзалликлари:

- ариза, даъво аризаси, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни судга топширишда судга шахсан келиш заруратининг йўқлиги;

- ариза, шикоят ва бошқа ҳужжатларни судга жўнатиш билан боғлиқ оворагарчиликлар, сансалорликларнинг олдини олиш;

- ортиқча қоғозбозлик ва бошқа сарф-харажатларга чек қўйиш;

- иш билан боғлиқ процессуал жараёнлар, яъни ишнинг тайинланганлиги, қолдирилганлиги, тўхтатилганлиги ёки кўриш натижасида бирор-бир тўхтамга келинганлиги ҳақидаги маълумотлардан интернет тармоғидаги шахсий кабинети орқали хабардор бўлиш имконияти.

Суд фаолиятига оид статистик маълумотлар, ҳисоботлар ва шунга ўхшаш бошқа таҳлилий маълумотномаларни автоматик равишда тизимдаги дастур томонидан тайёрлаш механизми жорий этилган. Бу ҳисоб-китобдаги хатоликлар, процессуал тартиб ва муддатларнинг бузилиши каби ҳолатларнинг олдини олмоқда.

Судга мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори ва даъво аризаси ҳамда аризаларга илова қилиниши талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳам ушбу тизимнинг маълумотлар базасига киритилган. Судьялар томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган 150 дан ортиқ турдаги ажрим, 15 дан ортиқ суд буйруғи ва 40 турдан ортиқ ҳал қилув қарорининг намунавий нусхалари ҳам тизимга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармонида асосан, иқтисодий (хўжалик) судларда уч босқичда ахборот коммуникация технологияларини жорий этилган.

Биринчи босқичда, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий (хўжалик) судларга мурожаатларини электрон воситалар орқали жўнатиш имкониятини яратиш.

2013 йил 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун кулайликлар яратиш, уларнинг вақти ва маблағларини тежаш мақсадида иқтисодий (хўжалик) судларда даъво ариза (ариза)лар, илтимосномалар, апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Иккинчи босқичда, суд жараёни иштирокчиларига хат-хабар ҳамда суд ҳужжатларини электрон тартибда жўнатиш имкониятини яратиш.

2013 йил 1 июндан бошлаб иқтисодий (хўжалик) судларида суд муҳокамаси иштирокчиларига суд ҳужжатлари ва бошқа хат-хабарларни маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юбориш тартиби жорий этилган.

Учинчи босқичда, иқтисодий (хўжалик) судларда иш юритишда ягона электрон база асосида электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2014 йил 1 январдан бошлаб, иқтисодий (хўжалик) судларининг барча инстанциялари фаолиятига “Е-XSUD” ахборот тизими жорий этилган.

Мазкур ахборот тизимининг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий судларга келиб тушган даъво ариза (ариза)лар, апелляция ва кассация шикоят (протест)лари ҳамда бошқа барча турдаги мурожаатларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш;

- иқтисодий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ барча процессуал тартиб ва муддатларга риоя қилиниши устидан алоҳида, ҳудудий ва марказлаштирилган ҳолда онлайн тарзда мониторинг ўрнатиш;

- статистик ҳисоботларни алоҳида, ҳудудий ва марказлаштирилган ҳолда автоматлаштирилган тарзда онлайн режимда юритиб бориш;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан судларга тақдим этилган мурожаатларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш ва уларни ўз вақтида кўриб чиқиш муддатларига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш;

- судлар ўртасида ҳужжатларни электрон шаклда айланишини таъминлаш;

- судьялар ва суд ходимлари томонидан ўтказилган ҳуқуқий тарғиботларни, суд амалиётини умумлаштириш соҳасида амалга оширилган ишларни, шунингдек суд раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш ва натижаларига доир маълумотларни электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг доимий ҳисобини юритиб бориш;

- иқтисодий ишларга доир турли хил рўйхатларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш.

Булардан ташқари, иқтисодий судлари фаолиятига “Электрон кутубхона”, даъво ариза (ариза)ларнинг электрон намуналари, судларга мурожаат қилинганда давлат божини ҳисоблайдиган “Электрон калькулятор”, иқтисодий судларнинг қарорларига шарҳлар, суд қарорларини чоп этиш каби бир қатор интерфаол хизматлар ишлаб чиқилган ва Олий суд расмий веб-сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастурининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида, 2018 йил 1 январдан бошлаб, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судларининг биринчи, апелляция ва кассация инстанция судлари фаолиятига “Е-XSUD” ахборот тизими жорий этилди.

Мазкур ахборот тизимининг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- жиноят ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларга келиб тушган жиноят ва маъмурий ишларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш;

- жиноят ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ барча процессуал тартиб ва муддатларга риоя қилиниши устидан алоҳида, ҳудудий ва марказлаштирилган ҳолда онлайн тарзда мониторинг ўрнатиш;

- статистик ҳисоботларни алоҳида, ҳудудий ва марказлаштирилган ҳолда автоматлаштирилган тарзда онлайн режимда юритиб бориш;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан судларга тақдим этилган мурожаатларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш ва уларни ўз вақтида кўриб чиқиш муддатларига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш;

- судлар ўртасида ҳужжатларни электрон шаклда айланишини таъминлаш;

- судьялар ва суд ходимлари томонидан ўтказилган ҳуқуқий тарғиботларни, суд амалиётини умумлаштириш соҳасида амалга оширилган ишларни, шунингдек суд раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш ва натижаларига доир маълумотларни электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг доимий ҳисобини юритиб бориш;

- жиноят ва маъмурий ишлар доир турли хил рўйхатлар ҳамда маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш.

Бироқ, бугунги кунда ҳар қандай ахборот тизими ташқи ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари билан ўзаро ҳамкорликда ишламаса суд тизимидаги барча жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш, инсон омилини кескин камайтириш, ишончли маълумотларни тезкор тарзда, реал вақт режимида олиш ва тақдим этиш имкониятини бермайди.

Бугунги кунда ушбу соҳадаги долзарб вазифалардан бири электрон ҳукумат доирасидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур Концепциянинг қабул қилиниши судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларининг электрон ҳукумат доирасидаги ахборот тизимлари ва ресурслари билан ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Концепциянинг тузилмаси қуйидаги 9 та бўлимдан иборат:

1. Кириш.

2. Интеграциянинг мақсади ва вазифалари.

3. “Е-XSUD” ва “Е-SUD” ахборот тизимларининг электрон ҳукумат доирасида бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция ҳолати.

4. “E-XSUD” va “E-SUD” ахборот тизимлари ва Мажбурий ижро бюросининг ягона ахборот тизими тавсифи.
5. Ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаш усуллари.
6. Маълумотлар оқими диаграммаси.
7. Ўзаро алмашилинадиган маълумотлар (интеграциялаш интерфейсининг) тавсифи.
8. Ташкилий тадбирлар.
9. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

II. Интеграцияни мақсади ва вазифалари

“E-XSUD” va “E-SUD” ахборот тизимларини Мажбурий ижро бюросининг ягона ахборот тизимига интеграция қилиш қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

- электрон шаклда ижро ҳужжатларини юборишда, сақлашда, ҳисобини юритишда, мониторинг қилишда, тизимлаштиришда ягона химояланган ҳудуд яратиш;
- ижро ҳужжатларининг ягона базасини жорий қилиш;
- қоғоз кўринишидаги суд ҳужжатларини чоп этиш, почта ва бошқа турдаги алоқалар орқали юборишга кетадиган молиявий ва вақт харажатларини кескин қисқартириш;
- судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижрога қаратиш;
- ижрога қаратилган ижро ҳужжатларини ўз вақтида ижросини таъминлаш ва ижросига доир маълумотларни электрон шаклда олиш, шунингдек уларни реал вақт режимида таҳлил қилишни таъминлаш;
- судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларининг ижросига доир барча маълумотлар ва статистик ҳисоботларни ахборот тизими орқали автоматик равишда шакллантириш;
- ижро ҳужжатларига доир маълумотларни хавфсиз ва бутунлигини ахборот тизими орқали таъминлаш.

“E-XSUD” va “E-SUD” ахборот тизимларини Мажбурий ижро бюросининг ягона ахборот тизимига интеграция қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини босқичма-босқич фақат ахборот тизими орқали электрон шаклда ижрога юбориш амалиётини жорий қилиш;
- ижро ҳужжатларини марказлаштирилган ҳолда рўйхатини юритиш ва уларни хавфсиз сақлашини таъминлаш;
- судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини ижросини реал вақт режимида мониторинг қилиб бориш.

III. “E-XSUD” va “E-SUD” ахборот тизимларининг электрон ҳукумат доирасида бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция ҳолати

“E-XSUD” ахборот тизими қуйидаги ахборот тизимлари билан интеграция қилинган:

1. “E-XSUD” ахборот тизими Мажбурий ижро бюросининг “MIB-Portal” ахборот тизими билан тегишли веб-сервислар асосида ишлаб чиқилган “E-Ijro varaqa” ахборот тизими орқали интеграция қилинган.

Мазкур ахборот тизимларининг интеграцияси иқтисодий судлар томонидан чиқарилган бюджетга маблағларни ундириш оид ижро ҳужжат (ижро варақаси ва суд буйруғи)лари судьянинг электрон рақамли имзоси билан қарздор жойлашган жойдаги мажбурий ижро бюросига электрон шаклда юбориш ва уларнинг ижросига доир маълумотларни электрон шаклда олиш мақсадида жорий этилган.

“E-ijro varaqa” ахборот тизимидан фойдаланиш ҳамда у орқали тегишли маълумотларни юбориш ва қабул қилиш фақат электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Иқтисодий судлари томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларининг ижросига доир барча статистик ҳамда солиштирма маълумотлар тизим фойдаланувчилари киритган маълумотлар асосида “E-ijro varaqa” ахборот тизими орқали автоматик равишда шакллантирилади.

2. “E-XSUD” ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Soliq” ахборот тизимлари комплекси билан махсус ишлаб чиқилган веб-сервислар асосида интеграция қилинган.

Мазкур ахборот тизимларининг интеграцияси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзи ундирувини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш бўйича даъво ариза (ариза)лар ва илтимосномалар иқтисодий судларга фақат ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш ҳамда мазкур тоифадаги иқтисодий ишлар электрон кўринишда шакллаштириш мақсадида жорий этилган.

Интеграцияланган ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳамда у орқали тегишли маълумотларни юбориш ва қабул қилиш фақат электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

3. “E-SUD” ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “МУНИС” ахборот тизими билан интеграция қилинган. Ушбу интеграция қуйидагиларга йўналтирилган:

- Олий суд ахборот тизимларининг банк тизимлари билан ўзаро маълумот алмашиш ягона нуқтасини яратиш;

- Олий суд ахборот тизимларининг банк тизими билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ягона стандартларини жорий этиш;

- “E-SUD” ва “МУНИС” ахборот тизимларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш орқали онлайн тўловларни амалга ошириш механизмини йўлга қўйиш;

- суд иши билан боғлиқ тўловлар бўйича батафсил ва ишончли маълумотларни тақдим этиб бориш ва бошқалар.

“МУНИС” ахборот тизими ҳамда Олий суднинг биллинг тизими ўртасидаги ўзаро электрон ҳамкорлик онлайн ва офлайн режимларда амалга оширилади. Онлайн режимда “МУНИС” ахборот тизими Олий суд биллинг тизимига сўров юборади. Ушбу электрон ҳамкорликда XML форматидаги маълумотлар SOAP протоколи ёрдамида ҳимояланган алоқа каналлари орқали юборилади. Офлайн режимда “МУНИС” тизими файл кўринишида тегишли реестрларни шакллантириб, Олий суд биллинг тизимига

юборади. Ушбу электрон ҳамкорлик архивланган текст файллари билан ҳимояланган алоқа тармоғида алмашиш орқали амалга оширилади.

4. Бугунги кунда “E-SUD” ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” ахборот тизимининг Идоралараро маълумотларни узатиш тармоғига улаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Электрон ҳукуматнинг идоралараро тармоғи “E-SUD” ахборот тизими орқали электрон давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, шунингдек электрон ҳукуматнинг марказий базалари билан маълумот алмашиш имконини беради.

Бунда маълумотлар ҳимояланган каналлар орқали алмашилиб, шахсий маълумотларнинг ахборот хавфсизлиги таъминланади, давлат органлари ва ташкилотларнинг алоқа каналларини яратиш ва қўллаб қувватлаш билан боғлиқ ҳаражатлари камаяди.

Ушбу тармоққа уланган ҳолда “E-SUD” ахборот тизимини орқали Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари билан судловга оид маълумотларни алмашиш кўзда тутилган.

5. “E-SUD” ахборот тизими Мажбурий ижро бюросининг “MIB-Portal” ахборот тизими ва Давлат солиқ қўмитасининг “Soliq” ахборот тизимлари комплексига интеграция қилиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда бу йўналишда тегишли техник ҳужжатлар (технологик инструкциялар) ишлаб чиқилган.

IV. “E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимлари ва Мажбурий ижро бюросининг ягона ахборот тизими тавсифи.

“E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ икки модулдан иборат.

Биринчи модуль - “E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимларининг веб-портали.

Иккинчи модуль - “Иш юритиш тизими” модули ҳисобланади. Ушбу модуль “бэж-офис” функцияси, яъни судларда ҳужжатларни электрон айланиши вазифасини бажаради.

“E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимлари “Клиент-сервер” архитектурасига эга бўлган “Web” технологияси асосида яратилган миллий дастурий таъминот бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги ПҚ-3597-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 сентябрга қадар ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилишни инобатга олган ҳолда Қарздорликларни ундириш масалалари ижро ҳужжатлари бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимини ишга тушрилишини таъминлаш белгиланган. Мазкур тизим қуйидагиларга йўналтирилган:

- қарздор-жисмоний шахслар, ва уларнинг мол-мулклари шунингдек олиб берилиши лозим бўлган болани қидиришда Бюро ва давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

- давлат ижрочиларининг қарорлари, топшиқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек, уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш (қабул қилиш);

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан уларнинг мол-мулклари ва мулкый ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш.

V. Ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаш усуллари

Ахборот тизимларини, хусусан улардаги маълумотлар базаларини бир неча усуллар ёрдамида интеграция қилиш мумкин. Ҳозирги кунда энг учрайдиган бир нечта усуллар қуйидагилардан иборат:

1. XI (Exchange Infrastructure) / PI (Process Integration) маълумотлар алмашиш инфратузилмаси;

2. Объектлардан фойдаланиш оддий протоколи (SOAP);

3. Ясси файлларни алмашиш.

1. XI (Exchange Infrastructure) / PI (Process Integration) маълумотлар алмашиш инфратузилмаси турли дастурлаш тилларида яратилган ахборот тизимлари комплексларини ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш учун ишлаб чиқилган. Маълумотлар алмашиш жараёнининг марказида интеграцион сервер туради. Интеграцион сервер сўров юборувчи маълумотларни ушбу сўровни қабул қилувчи форматга ўтказди. Ташқи тизимлар билан маълумот алмашиш қуйидагилар ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

- функцияни масофадан чақириш (RFC – Remote Function Call), “Java” орқали маълумотлар базаларига уланиш (JDBC) ва бошқа жараёнларни масофадан чақириш стандартлари;

- UDDI (Universal Description Discovery & Integration) - манбада жўнатувчи томонидан жойлаштирилган ва қабул қилувчи томонидан HTTP орқали чақириладиган веб-сервислар;

XI (Exchange Infrastructure) / PI (Process Integration) маълумотлар алмашиш инфратузилмаси маълумотларни реал вақт режимида интеграциялаш, юқори даражадаги хавфсизликни таъминлаш, ўзаро маълумотлар алмашишининг очик стандартларини қўллаб қувватлаш ҳамда марказлашган мониторингини юритиш имкониятларини тақдим этади.

2. Объектлардан фойдаланиш оддий протоколи - жараёнларни масофадан чақириш учун мўлжалланган протокол сифатида ишлаб чиқилган. Кейинчалик ушбу протоколдан “XML” форматидаги тасодифий хабарлар алмашиш учун ҳам қўлланила бошланган. “SOAP OSI” модели иловалар поғонасининг исталган протоколи (SMTP, FTP, HTTP, HTTPS ва бошқалар) билан биргаликда ишлатилиши мумкин. “SOAP” асосидаги маълумотлар алмашиш архитектурасида асосий вазифани “SOAP-сервер” бажаради. Ушбу сервер таркибига SOAP-сўровларни қайта ишлаш компоненти

(Envelop), сўровларнинг синтаксик анализатори (Parser) ва натижаларни шакллантириш дастури (Response) киради. Интеграция жараёни маълумотлар, иловалар ёки веб-сервислар поғонасида амалга оширилиши мумкин. XI (Exchange Infrastructure) / PI (Process Integration) маълумотлар алмашиш инфратузилмасидан фарқли равишда “SOAP” турли технологиялар ва ёндашувлар асосида яратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилишда универсал механизм бўлиб ҳисобланади. XI (Exchange Infrastructure) / PI (Process Integration) маълумотлар алмашиш инфратузилмаси эса асосан “SAP” компанияси томонидан яратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилишга мўлжалланган.

3. Ясси файлларни экспорт/импорт қилиш механизми нисбатан арзон ва дастурий томондан амалга ошириш осон бўлган ҳамда тез амалга ошириладиган ёндашув бўлиб ҳисобланади. Юборувчи томонда маълумотлар олдиндан келишилган қандайдир форматда юклаб кўйилади. Қабул қилувчи томон ушбу файлни юклаб олади. Экспорт қилинадиган файл локал хотира қурилмасида ёки тармоқ ресурсида жойлаштирилиши мумкин. Ушбу усулдан ўзаро электрон ҳамкорлик бир марталик ёки камдан-кам ҳолларда маълумот алмашиш зарурати бўлган ҳолатларда фойдаланилади.


Бундан ташқари бугунги кунда нисбатан янги технология ҳисобланган ҳамда жараёнларни масофадан чақиритиш технологиясига муқобил ҳисобланган “REST” (Representational State Transfer) архитектура йўналишидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. “SOAP”дан фарқли равишда “REST” асосидаги веб-сервисларни яратиш учун ҳеч қандай стандарт мавжуд эмас. Шунга қарамасдан “REST” асосидаги ишланмаларда стандартлаштирилган элементлардан – “HTTP”, “URL”, “JSON” ва “XML” фойдаланилади. “REST” сўровида стандарт “GET” (олиш, қабул қилиш), “PUT” (қўшиш, алмаштириш), “POST” (қўшиш, ўзгартириш, ўчириш), “DELETE” (ўчириш) каби буйруқлардан фойдаланилади. “REST” архитектура йўналишидан электрон маълумот алмашиш жараёнида асосан тезкорлик, кичик ҳажмдаги маълумотларни алмашиш керак бўлган ва юқори ахборот хавфсизлиги талаб этилмайдиган ҳолатларда фойдаланилади.

VI. Маълумотлар оқими

Қуйидаги расмда судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига судьянинг электрон рақамли имзоси билан тегишли веб-сервислар асосида ишлаб чиқиладиган интеграция шлюзи орқали электрон шаклда юбориш жараёнидаги маълумотлар оқими келтирилган. (2-расм)



2-расм. Судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига электрон шаклда юбориш жараёнидаги маълумотлар оқими



3-расм. Ўзаро ҳамкорлик доирасида маълумотлар оқими диаграммаси, И – ички маълумотлар базаси, Т – ташқи маълумотлар базаси)

VII. Ўзаро алмашилиладиган маълумотлар (интеграциялаш интерфейсининг) тавсифи

Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизими билан маълумот алмашиш жараёнида “REST” архитектура йўналиши ёки “SOAP” протоколи ёрдамида веб-сервислар асосида амалга оширилади.

1. Ижро хужжати юбориш - sendDocument:

Сўров маълумотлари				
№	Параметр		Изоҳ	Маълумот тури
1.	queryID		Сўров идентификатори	String
2.	courtID		Суд идентификатори	Integer
3.	courtName		Суд номи	String
4.	judgePin		Қарорни қабул қилган судья шахсий идентификация рақами	String
5.	judgeName		Қарорни қабул қилган судья ФИШ	String
6.	applicantType		Даъвогар тури (0-жисмоний шахс, 1-юридик шахс)	Integer
7.	applicantPin		Даъвогар жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	String
8.	applicantTin		Даъвогар жисмоний шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами	String
9.	applicantLTin		Даъвогар – юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами	String
10.	applicantPass		Даъвогар паспорт серияси ва рақами	String
11.	applicantName		Даъвогар исми	String
12.	applicantSName		Даъвогар фамилияси	String
13.	applicantPName		Даъвогар шарифи	String
14.	address		Даъвогар манзили	String
15.	defendant	type	Жавобгар тури (0-жисмоний шахс, 1-юридик шахс)	String
		pin	Жавобгар шахсий идентификация рақами	String
		tin	Жавобгар жисмоний шахснинг СТИР	String
		ITin	Жавобгар юридик шахснинг СТИР	String
		pass	Жавобгар жисмоний шахснинг паспорт серияси ва рақами	String
		name	Жавобгар жисмоний ёки юридик шахснинг исми/номи	String
		sName	Жавобгар жисмоний шахснинг фамилияси	String
		pName	Жавобгар жисмоний шахснинг шарифи	String
		address	Жавобгар жисмоний шахснинг манзили	String
birthday	Жавобгар жисмоний шахснинг туғилган санаси	Date		
16.	docContentId		Мазмуни бўйича ижро хужжатининг тури	Long

17.	type	Рақам бўйича ҳужжат тури	Integer
18.	sheetID	Ижро ҳужжати рақами	String
19.	sheetDate	Ижро ҳужжати санаси	Date
20.	executeDate	Ҳужжатнинг қонуний кучга кирган санаси	Date
21.	amount	Ундириладиган суммаси (сўм ва тийин)	Long
22.	currency	Бошқа валюта тури	Object
23.	currencyId	Валюта коди	Integer
24.	currencyAmount	Валюта суммаси	Long
25.	judgementContent	Бириктирилган файл	Object
26.	name	Бириктирилган файл номи	String
27.	size	Бириктирилган файл узунлиги (байт)	Long
28.	data	Бириктирилган файл мазмуни	Byte[]
29.	hash	О'з DSt 1109: 2009 стандартида тасвирланган хэш-функциясини қўллаш орқали қўшиб қўйилган файлнинг байт қийматидан олинган матн кўриниши	String
30.	contentType	MIME-бириктирилган файл тури	String
31.	signatureValue	Имзо маъноси	Byte[]
32.	signedPublicCertificate	Ҳақиқий имзо сертификати	Byte[]
33.	signedDate	Имзо санаси	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Қисқача мазмуни	Маълумот тури
1.	query		Object
2.	queryID	Сўров коди	Integer
3.	resultDescription	Жавоб мазмуни	String
4.	envelopeId	Интеграция шлюзи томонидан кўрсатилдиган ягона идентификатори	Long

2. Ижро ҳужжатининг ижродаги ҳолатини кузатиш - checkDocumentStatus:

Сўров маълумотлар			
№	Параметр	Қисқача мазмуни	Маълумот тури
1.	sheetID	Ижро ҳужжати рақами	String
Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Қисқача мазмуни	Маълумот тури
1.	result		Object
2.	result	Жавоб идентификатори	Integer
3.	resultDescription	Жавоб мазмуни	String
4.	statusID	Статус рақами	Integer

5.	documentStatus	Хужжат статуси	Object
6.	sheetID	Ижро хужжати рақами	String
7.	sheetDate	Ижро хужжати санаси	Date
8.	courtID	Суд идентификатори	Integer
9.	courtName	Суд номи	String
10.	regNumber	Рўйхат рақами	String
11.	regDate	Рўйхат санаси	Date
12.	lastUpdate	Охирги ўзгартирилган сана	Date
13.	description	Мазмуни	String
14.	additionalInformation	Кўшимча маълумот	Object
15.	bureauName	Бюро номи	String
16.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
17.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
18.	partialSum	Қисман ундирилган сумма (сўм ва тийин)	Long
19.	article	Справочник бўйича модда	Integer
20.	part	Справочник бўйича модда қисми	Integer
21.	clause	Справочник бўйича модда банди	Integer
22.	resultDate	Натижа санаси	Date
23.	resultDescription	Натижа мазмуни	String
24.	signature	Хужжат имзоси	Object
25.	signatureValue	Имзо маъноси	Byte[]
26.	signedPubicCertificate	Имзонинг ҳақиқий сертификати	Byte[]
27.	signedDate	Имзо санаси	Date

3. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	decisionDate	Қарор қабул қилинган сана	Date
3.	decisionPlace	Қарор қабул қилинган жой	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	sheetAuthorID	Ижро хужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
8.	sheetAuthor	Ижро хужжатини чиқарган орган номи	String
9.	sheetDate	Ижро хужжати санаси	Date
10.	sheetID	Ижро хужжати рақами	Integer
11.	causeDate	Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш сабабига асос бўлувчи хужжат санаси	Date
12.	causeText	Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш сабаби	String

13.	causeSubjectPIN	Ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришни сўраган субъект ЖШШИР	String
14.	causeSubject	Ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришни сўраган субъект ФИШ	String
15.	postponement	Ижро ҳужжати кейинга қолдириладиган кунлар сони	String
16.	movingDate	Ижро ҳужжати кейинга қолдириладиган сана	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

4. Ижро иши юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	decisionDate	Қарор қабул қилинган сана	Date
3.	decisionPlace	Қарор қабул қилинган жой	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	sheetAuthorID	Ижро ҳужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
8.	sheetAuthor	Ижро ҳужжатини чиқарган орган номи	String
9.	sheetDate	Ижро ҳужжати санаси	Date
10.	sheetID	Ижро ҳужжати рақами	Integer
11.	causeText	ижро ҳужжати талабларини бажариш имконияти бўлмаганлиги сабаби	String
12.	doneWork	Давлат ижрочиси томонидан амалга оширилган ижро ҳаракатлари	String
13.	completeWork	Ижро ҳужжати талаби қисман таъминланганлиги	String
14.	actParagraph	“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонунининг 40-моддаситегишли банди	String
15.	applicantPIN	Даъвогар ЖШШИР	String
16.	applicantTIN	Даъвогар СТИР	Integer
17.	depHeadPIN	Мажбурий ижро бюросининг тумани	String

		(шаҳар) бўлими бошлиғи ЖШШИР	
18.	depHeadName	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғи ФИШ	String
19.	approvalDate	Ижро иши юритишни тамомлаш ва ижро хужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган сана	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолати тавсифи	String

5. Амалда ижро этилган ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни тамомлаш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	decisionDate	Қарор қабул қилинган сана	Date
3.	decisionPlace	Қарор қабул қилинган жой	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	sheetAuthorID	Ижро хужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
8.	sheetAuthor	Ижро хужжатини чиқарган орган номи	String
9.	sheetDate	Ижро хужжати санаси	Date
10.	sheetID	Ижро хужжати рақами	Integer
11.	expenses	Ижро харажатлари	String
12.	fee	Ижро йиғими	String
13.	penalty	Жарима	String

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолати тавсифи	String

6. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String

2.	decisionDate	Қарор қабул қилинган сана	Date
3.	decisionPlace	Қарор қабул қилинган жой	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	sheetAuthorID	Ижро хужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
8.	sheetAuthor	Ижро хужжатини чиқарган орган номи	String
9.	sheetDate	Ижро хужжати санаси	Date
10.	sheetID	Ижро хужжати рақами	Integer
11.	causeText	Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар	String
12.	stopStartDate	Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш муддатининг биринчи куни	Date
13.	stopEndDate	Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш муддатининг охири куни	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
4.	queryID	Сўров идентификатори	String
5.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
6.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

7. Ижро иши юритишни тугатиш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	decisionDate	Қарор қабул қилинган сана	Date
3.	decisionPlace	Қарор қабул қилинган жой	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	sheetAuthorID	Ижро хужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
8.	sheetAuthor	Ижро хужжатини чиқарган орган номи	String
9.	sheetDate	Ижро хужжати санаси	Date
10.	sheetID	Ижро хужжати рақами	Integer
11.	causeText	Ижро иши юритишни тугатиш учун асос бўлган ҳолатлар	String

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String

2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

8. Жарима тариқасидаги жиноий жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида тақдимнома киритиш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	cDecisionDate	Суд ҳукми санаси	Date
3.	cDecisionID	Суд ҳукми рақами	String
4.	bureauName	Бюро номи	String
5.	executorPIN	Давлат ижрочиси ЖШШИР	String
6.	executorName	Давлат ижрочиси ФИШ	String
7.	type	Жавобгар тури (0-жисмоний шахс, 1-юридик шахс)	String
8.	pin	Жавобгар шахсий идентификация рақами	String
9.	tin	Жавобгар жисмоний шахсинг СТИР	String
10.	ITin	Жавобгар юридик шахсинг СТИР	String
11.	pass	Жавобгар жисмоний шахсинг паспорт серияси ва рақами	String
12.	name	Жавобгар жисмоний шахсинг ФИШ ёки юридик шахсинг номи	String
13.	sum	Жарима миқдори	String
14.	excuseDate	Ижро иши санаси	Date
15.	exCaseID	Ижро иши рақами	String
16.	sendDate	Қарор нусхаси қарздорга юборилган (топширилган) сана	Date
17.	violationType	Қарздорнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши (1), жаримани ундириш имкони йўқлиги (2), кечиктириш муддати ҳамда жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилганлиги (3), бошқа ҳолат (4)	String
18.	violation	Жаримани тўлашдан бўйин товлаш ҳолати матни	String
19.	File1	Жаримани ундиришни имконияти йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаласи	
20.	File1Description	Файл тавсифи	String
21.	File2	Жаримани ундиришни имконияти йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси	
22.	File2Description	Файл тавсифи	String
23.	depHeadPIN	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғи ЖШШИР	String

24.	depHeadName	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғиФИШ	String
25.	preceptID	Такдимнома рақами	String
26.	preceptDate	Такдимнома санаси	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

9. Ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида ариза юбориш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	bureauName	Бюро номи	String
3.	sheetAuthorID	Ижро ҳужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
4.	sheetAuthor	Ижро ҳужжатини чиқарган орган номи	String
5.	sheetDate	Ижро ҳужжати санаси	Date
6.	sheetID	Ижро ҳужжати рақами	Integer
7.	type	Жавобгар тури (0-жисмоний шахс, 1-юридик шахс)	String
8.	pin	Жавобгар шахсий идентификация рақами	String
9.	tin	Жавобгар жисмоний шахснинг СТИР	String
10.	ITin	Жавобгар юридик шахснинг СТИР	String
11.	pass	Жавобгар жисмоний шахснинг паспорт серияси ва рақами	String
12.	name	Жавобгар жисмоний шахснинг ФИШ ёки юридик шахснинг номи	String
13.	causeText	Ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш асослари	String
14.	queryType	“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳолати	String
15.	depHeadPIN	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғиЖШШИР	String
16.	depHeadName	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғиФИШ	String
17.	bApplicationID	Ариза рақами	String
18.	bApplicationDate	Ариза санаси	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

10. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида ариза юбориш:

Сўров маълумотлари			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String
2.	bureauName	Бюро номи	String
3.	sheetAuthorID	Ижро ҳужжатини чиқарган орган идентификатори	Integer
4.	sheetAuthor	Ижро ҳужжатини чиқарган орган номи	String
5.	sheetDate	Ижро ҳужжати санаси	Date
6.	sheetID	Ижро ҳужжати рақами	Integer
7.	type	Жавобгар тури (0-жисмоний шахс, 1-юридик шахс)	String
8.	pin	Жавобгар шахсий идентификация рақами	String
9.	tin	Жавобгар жисмоний шахснинг СТИР	String
10.	ITin	Жавобгар юридик шахснинг СТИР	String
11.	pass	Жавобгар жисмоний шахснинг паспорт серияси ва рақами	String
12.	name	Жавобгар жисмоний шахснинг ФИШ ёки юридик шахснинг номи	String
13.	needDefinition	ижро ҳужжатини ноаниқлиги ва тушунтириш сўрашга асос бўлган ҳолатлар	String
14.	queryType	“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқтушунтириш сўралаётган ҳолат	String
15.	depHeadPIN	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғиЖШШИР	String
16.	depHeadName	Мажбурий ижро бюросининг тумани (шаҳар) бўлими бошлиғиФИШ	String
17.	bApplicationID	Ариза рақами	String
18.	bApplicationDate	Ариза санаси	Date

Қайтариладиган маълумотлар			
№	Параметр	Тавсифи	Маълумот тури
1.	queryID	Сўров идентификатори	String

2.	resultCode	Қабул қилинганлик ҳолати коди	Integer
3.	resultNote	Қабул қилинганлик ҳолатитавсифи	String

VIII. Ташкилий тадбирлар

“E-XSUD” ва “E-SUD” ахборот тизимларини Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилиш учун куйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш лозим:

1. Идоралараро ҳамкорликни кўзда тутувчи технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини ҳал этиш.

3. Идораларо электрон ҳамкорлик қилишни тест режимида жорий этиш ва тест синовидан ўтказиш ишларини амалга ошириш.

4. Идораларо электрон ҳамкорлик қилишнинг тест режимида жорий этилганда аниқланган камчиликларни рўйхатини шакллантириш ва қисқа муддатларда бартараф этиш.

5. Идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат(лар) расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

6. Ахборот тизимидан фойдаланувчилари учун Йўриқномани ишлаб чиқиш.

7. Электрон ҳамкорлик тўлақонли жорий этилгандан сўнг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш.

IX. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Идоралараро электрон маълумотларни алмашишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш куйидагилар орқали амалга оширилади:

1. Электрон ҳамкорлик фақат идоралараро маълумотлар узатиш тармоғида амалга оширилади.

2. Маълумотлар алмашиш доирасида ишлаб чиқилган веб-сервислар идоралараро интеграциявий платформага жойлаштирилади.

3. Веб-сервислардан фойдаланиш имконияти идоралараро маълумотлар алмашиш тармоғидаги маълумот тақдим этувчи ва маълумотни қабул қилувчи қурилмаларнинг IP-манзилигагина тақдим этилади. Тармоққа уланган бошқа барча давлат идоралари учун ушбу имконият чекланади.

4. Ўзаро маълумот алмашувчи томонлардан бирида профилактик ишлар амалга оширилиши режалаштирилган тақдирда 1 иш куни олдин иккинчи томонни хабардор қилиши шартлиги белгиланади.

5. Веб-сервисларда қўшимча ҳимоя воситалари жорий этилади. (HTTP Basic Authentication ёки Hash key ва бошқалар)

6. Суд процесси иштирокчиларининг шахсий маълумотлари алоҳида маълумотлар базасида сақланади.